

13KB

II - XII

№ 1 (808) 2011 йил, 7 январь, жума
Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

№ 1 (808) 2011 йил, 7 январь, жума

САФЛАРИМИЗ КЕНГАЙДИ

3-бет

Йил бошида аъзоларимиз сони 5,5 минг нафарни ташкил этган бўлса, йил охирида 7,4 минг нафарга яқин фаол ва ташаббускор сафдошларга эга бўлдик. Лекин, вилоят миқёсида партия сафини кенгайтириш имконияти катталиги нуқтаи назаридан, бу кўрсаткич ҳали нисбатан кам.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗГА МОС ҚОНУН

4-бет

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахслар учун сотиб олишни тақиқлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар истеъмолини ёшлар учун чегаралашни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш фурсати келди

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ — ЗАМОН ВА ҚАЛБ КЎЗГУСИ ДЕМАК

7-бет

Одамлар ҳавас қиладиган, ўрناк оладиган, гап-сўзларини кундалик ҳаётда қўллаб, исларини фарзандларига қўядиган даражадаги адабий тимсолларгина замон қаҳрамони бўла олади. Бундай образ яратиш масъулиятли, албатта. Менимча...

Илмий-амалий конференция

Фарҳод ЭСОНОВ, «Adolat» муҳбири

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга иттифоқлиқ ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чийакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бугунги кунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — ҳуқуқий давлатни барпо этиш, шунинг баробарида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилли сифатида майдонга чиқмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, айнан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали халқни демократик ангашиллар ва ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш мумкин. Бундан қўзланган мақсад эса таъминнинг тўри, демократик йўлдан ривожланиши учун шароит яратишдан иборатдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон



Ҳуқуқий маданият: тажриба ва истиқболлар

Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда ташкил этган «Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши: тажриба ва истиқболлар» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шу хусусда сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазилик ва қўмиталар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юрталари, илмий жамоатчилик, нодавлат ношароит ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари иштирок этдилар.

— Илмий-амалий конференциянинг ташкил этилишига иккита омил сабаб бўлди, — деди анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон «Адолат» СДП Фракцияси раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмомил Саифназаров.

— Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган дастурий маърузасида «Жамиятнинг демократия йўлидан жадвал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган исло-

хотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юскак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеаликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботи-ни тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурининг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, фуқароларда қонунга иттифоқлиқ туйғуси-

нинг янада ортишини таъминлайди», — деб қайд этиб ўтган эди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этадиган инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш»-ни тақлиф этди.

Давоми 2-бетда >>

Миллий манфаатларга асосланган сиёсат

Муҳаррир минбари

Ортимизда қолган 2010 йил ҳақида ўйларканмиз, бу йил мамлакатимиз ташқи сиёсатида қўллаб муҳим воқеалар рўй берганига амин бўламиз. Таъкиллаш жоизки, бундан 20 йил аввал жаҳон харитасида суверен давлат сифатида пайдо бўлган Ўзбекистон халқаро муносабатларни, кўптомонлама иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга, минтақа тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган омилларни жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда бартараф этишга жиддий бел боғлаган давлат сифатида ўзини намоён эта олди. Иқтисодий ҳамкорлик орқали фаровонликка эришиш, хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик мамлакатимиз ички ҳамда ташқи сиёсатининг устувор мақсадига айланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ўтган йиллар давомида минтақавий ривожланишнинг қўллаб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, ташкилотнинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қаратилган дастурларини амалга оширишда мамлакатимиз салмоқли ёрдам кўрсатмоқда. БМТ бош қотиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи ҳам барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, суверен энергетика, минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда минтақа халқларини ташвишга солаётган бошқа масалаларни муҳокама қилиш учун яна бир имконият бўлди. Шунингдек, бош қотиб жаноблари Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотиди раислигига юсак баҳо бериб, айнан мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 2009 йилнинг декабрь ойида БМТ ва ШХТнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам 2010 йилнинг 10-11 июнь кунлари ШХТга

аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Тошкент саммити минтақавий хавфсизликни таъминлаш, наркоагрессия ва террорчиликка қарши кураш ва глобал молиявий инқироз шароитида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига яна бир бор эътибор қаратиш имконини берди. Халқаро саммитнинг аҳамияти шундаки, унда ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом ва ШХТнинг иш тартиби қоидалари қабул қилинди. ШХТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 миллиард АҚШ долларидан ошганининг ўзи ҳам ушбу ҳамкорликнинг салоҳиятини кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда ШХТ давлатлар инвесторлари иштирокида 1273 та корхона, жумладан, улардан 246 таси юз фоиз хориж капиталли асосида фаолият кўрсатаётгани, айни пайтда Ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида ШХТ давлатлари ҳудудида 519 та корхона ишлаётгани ҳам Ўзбекистон эришган натижаларнинг нечоғли салмоқли эканини кўрсатади.

Давоми 3-бетда >>



Ўқув-услугий қўлланма

Концепциянинг оммалашувиغا хизмат қилади

Анжуман

Ўз муҳбиримиз

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида янада кенг тарғиб қилиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан тайёрланган Ўқув-услугий қўлланмадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультет декан ва кафедра муди-рлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ташаббус билан таълим вазирлиги мутасадди раҳбарлари, республикадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультет декан ва кафедра муди-рлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ташаббус билан таълим вазирлиги мутасадди раҳбарлари, республикадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультет декан ва кафедра муди-рлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ташаббус билан таълим вазирлиги мутасадди раҳбарлари, республикадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультет декан ва кафедра муди-рлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Қуруқ қошиқ офиз йиртар

ХДПнинг айрим аъзолари жамиятда партия голяри қанчалар кенг ўрин эгаллаётганини кўрсатиш илнжида «тарафдорларимиз, айниқса, ёшлардан иборат электоратимиз сафи кенгайиб бормоқда» деган фикрларни ўз нашрлари орқали изчил эълон қилишдан тийилмаептилар

Муносабат

Абдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Темур тузуқлари»да ёзилишича, Соҳибқирон ўзининг ҳарбий юришларида қуролни ишга солишга шошилмаган. Мухолифга аввало вазминлик билан илиқ муомала қилган, сўнг мақсади хайрли эканини далилла-ган. У юз минг қўшин кучи билан ишғол қилиши мумкин бўлган айрим ҳудуд, қалъаларни ҳам илиқ ва асосли дипло-матик муомала-мулоқотлар ту-райли қўлга киритган. Муомала маданиятининг муваффақи-яти ўз ўрнида ишлатилмаган оқилона, ширин сўзлар билан изоҳланади. Бирок бугун ай-рим партия нашрларида чиқа-

ётган мақолаларни кузатаркан-сиз, партиялараро рақобатга бағишланган мақолаларда ваз-минликка, асосли далилларга таянлмаётганига иқдор бўла-сиз. Хусусан, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 16 декабрь сонидида чоп этилган «Адолат» уйқусираяптими ёки туш қўраятими?» сарлавҳали мақолада шошма-шошарликка, пала-партишликка йўл қўйил-ганлиги, «Адолат» партияси-нинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутат-ларнинг «ташабуусизлиги», аксинча, ХДП депутатларининг абжирлиги-ю ташаббускорлиги кўкларга кўтарилган. Мақола-си давомида бу мавзуга қай-тамиз, албатта. Бирок гапни мақола аввалидаги қўйдаги жумладан бошлашни лозим топдик.

Аввало, 2009 йил сайлови ол-дидан ёки ундан кейин мамла-катимизда бирон-бир сиёсий партия ўзини ўнг ёки сўл деб эълон қилмагани таъкидла-моқчимиз. Демак, ўнг ва сўл масаласи алоҳида мавзу. Ҳозир бунга тўхталмоқчи эмасмиз.

Бизнинг ҳам бу мавзуга чу-қур киришиш ниятимиз йўқ, бироқ тўхталмас бўлмайдиган мавзу бу. Албатта, ҳар бир партиянинг бош мақсади фуқа-роларимизнинг фаровон ҳаёт-кечиришини таъминлашга қара-тилгандир. Аммо бу мақсадга элтувчи йўллар, тактик ва стра-тегик мақсадлар борасида партиялар ўнг ва сўлларга бўлинишини кўпчилик яхши ту-шунади.

Давоми 7-бетда >>

Маълумки, давлатимиз раҳ-бари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида демократик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жа-

миятини янада ривожланти-риш бўйича бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Концепцияда белгиланган эркин ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жа-миятини барпо этиш йўлида-

ниш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги то-монидан Ўқув-услугий мажмуа яратилди. Унда Концепцияни олий таълим тизимида кенг ва аτροφлича ўрганиш масалала-рига бағишланган ўқув дасту-ри, ўқув қўлланма, таълим технологияси, назорат савол-лари, тестлар ва глоссарилар жамланган.

Шунингдек, анжуман доира-сида республика олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факультетлари деканлари ва кафедра муди-рлари учун навбатдаги VII ил-мий-услугий семинар ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисоди-ёт университети ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтка-риб келинаётган ушбу семи-нарда иқтисодий таълим мо-дернизацияси ва инновацион электрон ахборот-ресурс таъ-миноти истиқболларига оид масалалар кенг муҳокама қилинди.

Партия ҳаёти

Ҳуқуқий маданият: тажриба ва истиқболлар

« Давоми. Боши 1-бетда

Этироф этиш керак, давлатимиз раҳбарининг мазкур ташаббуси нафақат мамлакат жамоатчилиги орасида, балки етакчи хорижий давлатлар сиёсатдонлари, экспертлари, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан ҳам кенг муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди.

Иккинчидан, партиямиз сайловда дастурининг асосий йўналишларидан бири "Инсон манфаатлари — энг олий кадрият" деб номланган социал-демократик партияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотларни ривожлантиришни келгусида ҳам қўллаб-қувватлаш мақсади борлиги ва бу борада аниқ йўналишлардаги вазифаларни амалга ошириш кераклиги белгиланган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий адолат партияси беш ғояси эканлигидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилиниши ва таъминланиши каби масалалар устувор йўналишларимиздан ҳисобланади.

Конференция давомида иштирокчилар инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид долзарб илмий-назарий ва амалий масалаларни муҳокама этдилар.

Шу билан бир қаторда мустақиллик йилларида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш ва модернизациялаш бўйича кенг камровли тизимли ва изчил ислохотлар ўтказилганлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, жамият ривож ва ислохотлар самардорлиги кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан белгиланади. Айтиш мумкин, инсон ҳуқуқлари ҳурмат ила ёндошуви, унга риоя этиши ва ҳимоя қилиши, демократик ислохотларга мойиллиги жамиятнинг демократлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш бўйича белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, замонвий дунёқарошни ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида самарали тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ҳамда инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича БМТнинг шартномавий органлари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари асосида миллий ўқитиш ва таълим тизими шакллантирилди. Аҳамиятли шундаки, мазкур тизим мактабгача ва мактаб ёшидаги, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари, малака ошириш курси тинловчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа касб эгаларини қамраб олади. Қолаверса, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифат тизими шакллантирилган, таълим муассасалари дарс жадвалига "Инсон ҳуқуқлари" ва "Бола ҳуқуқлари" махсус курслари киритилди.

Конференция иштирокчилари таъкидлаганларидек, ҳуқуқий мавзуга оид йигирмадан ортқ журнал ва газеталар кўп минглик адад билан нашр этилаётгани, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари ўрганилишининг йўлга қўйилгани жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни янада юксалтиришда ижобий самара бермоқда. Дарҳақиқат, бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари тўғрисида билим олишга кўмаклашди, де-

мократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришга ёрдамлашди. Бундай давлатда эса Конституция ва қонулар устуворлиги таъминлиб, инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қамролланади.

Шу ўринда инсоннинг, айниқса, ёшларнинг баркамол ривожланиши учун шароитларни яратиш, шахс манфаатларини рўйбга чиқаришнинг амалий механизмларини шакллантириш, жамият асоси бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эскича фикрлаш ва қараш иллатларини бартараф этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида мамлакат сиёсий партиялари ҳам ўз позицияларини шакллантираётганлари ва уларни илгари сураётганларини таъкидлаш жоиз.

Ана шу нуқтаи назардан "Адолат" СДП фракцияси депутатлари, партия фаоллари олимлар ва экспертлар билан ҳамкорликда аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига чуқур ҳурмат билан ёндошишга қаратилган муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш Концепциясини ишлаб чиқишда янада фаол иштирок этади.

Ҳам давлат, ҳам нодавлат воситаларини ва кенг жамоатчилигини жалб этган ҳолда уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи лойиҳалар тақлиф этилмоқда. Бундай лойиҳалар фан ва техниканинг энг янги ютуқларига таянадиган жамият аъзоларининг интеллектуаллашувига ўстувор эътибор беради. Зеро, бугун инсоннинг маънавий салоҳиятини, ҳуқуқий маданиятини ва онгини юксалтиришда мамлакат сиёсий қуралининг фаол иштироки ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ.

Эркинлик, адолатлик ва бирдамлик ғояларини илгари сураётган "Адолат" СДП ҳам ижтимоий адолатга, қонуни устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонуни олдига тенг бўлган, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бемалол амалга оширадиган ҳуқуқий давлат қурилишидан манфаатдорлиги боис жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишига алоҳида эътибор қаратаёпти. Партия депутатлик корпусининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, суд, прокуратура, адлия ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини қонуний асосларини янада такомиллаштириш, адвокатура институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишида фаол иштирок этиб келаётгани бунинг яққол далилидир.

Акмал САЙДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори:



— Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистонда эришилган ютуқлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди, — деди Акмал Саидов. — Илк мустақил қадамимизнинг дастлабки босқичиданоқ инсон ҳуқуқлари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу даврдан бошлаб бу борадаги ишларни амалга ошириш принциплари изчил амалга оширилмоқда. Алоҳида таъкидлашни жоиз деб биланам, инсон ҳуқуқлари бўйича ўз сиёсатимизни,

авваломбор миллий манфаатларимиз асосида амалга ошириб келмоқдамиз. Биз жаҳон ҳамжамиятига кириб борар эканмиз, инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортқ халқаро шартномаларга қўшилдик. Шулардан энг муҳимлари сирасига БМТнинг йирик декларация, пакт ва конвенцияларини киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатлар талабларини бажаришни ўз зиммасига олди ва бу мажбуриятларни тўла-тўқис бажариб келмоқда. Яна бир эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилиш соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич, тадрижийлик принципини асосида амалга оширилиб келинмоқда. Салкам 20 йиллик истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида босқичма-босқич қадам ташланди. Бунга, биргина мисол тариқасида мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинишини келтиришимиз мумкин. Дастлаб, ўлим жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13 та моддасида кўрсатилган эди. Уларнинг сони босқичма-босқич камайтирилиб, 2008 йилга келиб ўлим жазоси умуман бекор қилинди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини бирон-бир давлатга ёки халқаро ташкилотга ёкиш учун ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, балки миллий манфаатларга таянган ҳолда амалга оширди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида амалга оширилган демократик ислохотлар, шу жумладан БМТ тавсияларининг ҳам бажарилиши натижасида биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ва ўзимизнинг миллий инсонпарварлик руҳи билан суғорилган демократик қадриятларимизни ўзида мужассам этган миллий қонунчилик тизими шаклланди. Иккинчидан, қабул қилинган қонунларнинг мутасадди ташкилот, идора, муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ижро этилиши устидан мониторинг қилиш тизими шакллантирилди. Учунчидан, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган миллий институтлар тизими яратилди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини қабилад шулар жумласидандир. Тўртинчидан, инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича узлуксиз таълим тизими вужудга келди. Яна бир эътиборли жиҳат, ушбу соҳа устидан соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура, Ички ишлар ҳамда Адлия вазирлигида инсон ҳуқуқлари бўйича бошқармалар тузилди.

Мухтасар айтганда, олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида бугунга келиб фуқароларимизнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллиги ошди. Халқимизда мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга, демократик ислохотларга дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни устун бўлган, демократик давлатни сиёсий партияларнинг одил судловини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқармалар тузилди. Мухтасар айтганда, олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида бугунга келиб фуқароларимизнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллиги ошди. Халқимизда мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга, демократик ислохотларга дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

яратишни қўйган. Партия ташкил этилгандан буён ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Уйлайманки, бу масалалар келгусида ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси:



— Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган инсон ҳуқуқлари маданияти тушунчаси замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек пурмаъно масала турибди. Истиқлол йилларида миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ислохотлар йил сайин кенгайиб, такомиллаштириб бормоқда. Уларни ҳаётга ишчил ва муваффақиятли татбиқ этиш, жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни кишилар онига чуқурроқ сингдириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби масъулиятли вазифаларни бажаришда, аҳолига мамлакат ҳаётида эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳолис ва ҳаққоний ахборотлар етказишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги қонунчиликни такомиллаштиришда "Адолат" СДПнинг ҳам ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бор, албатта.

Партиянинг асосий ғояси — эркинлик, адолатлик ва бирдамликдир. Бу ғоялар бевоқифа инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларига дахлдор. Шу боис партия ижтимоий адолатли, қонуни устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонуни олдига тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий давлат қурилишидан манфаатдор.

Шунингдек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш тарафдори.

Шу нуқтаи назардан партия ўз фаолиятини парламентдаги вакиллар орқали суд органларининг одил судловини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган принципларга риоя этишга қаратилган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда адвокатура институтини жамият ривожига монанд равишда модернизация қилиб боришни қўллаб-қувватлашга йўналтирмоқда.

Партия қонунчилигини такомиллаштириш, қонуни устуворлигига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Судьялар ассоциацияси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Республика Юристарлар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатаси ва бошқа давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда.

Шу ўринда партиямизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ислохотларни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид ва-

зифалари қаторига инсон ҳуқуқларига дахлдор қонунлар мукамаллигига эришиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш механизмлари такомиллаштириш, соҳага оид маҳаллий ва халқаро тадбирларда фаол иштирок этиш ва халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ тизимидаги ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиш киритилган. Шунингдек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлантириш масалаларига ҳам муҳим вазифалар сифатида қаралмоқда.

Маълумки "Адолат" СДП мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган Ўзбекистондаги илк социал-демократик партиядир. Жойларда 2686 тадан ортқ бошланғич ташкилотга эга. Ўз сафини 80 мингдан ортқ фуқароларни бирлаштирган.

Партияимизнинг ўтган даврдаги фаолиятига назар ташлаш, инсон манфаатлари энг олий қадрият эканлиги ва мамлакатимизда барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан етук демократик тамойилларга асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзидан қилиб айтганда партия социал-демократиянинг асосий тамойиллари, яъни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойиллари асосида фаолият юритмоқда.

Ислом ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи:



— Инсон ҳуқуқларини таъминлашда ва ҳимоя қилишда бевосита мутасадди органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ўстириш ўта муҳим масала ҳисобланади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини барпо этиш жараёнини ва уни тараққий эттиришни халқларар, жисмонан соғлом, касбига садоқатли, юксак маънавият ва маданият ҳоҳиб бўлган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун прокуратура органлари зиммасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек улкан вазифалар ётибди. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятчиликнинг олдини олиш, халқнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш сингари долзарб вазифалар шулар жумласидандир.

Бу борада бошқармаимиз томонидан талайгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, прокуратура органлари томонидан ўтган йилнинг 11 ойи давомида 6521 та текшириш ўтказилган бўлса, шундан 2500 таси бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Олиб борилган сайёҳаракатлар натижасида 16213 нафар фуқароларимизнинг ҳуқуқлари тикланди. Фуқаролар ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан 739 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда таълим, соғлиқни сақлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, қишлоқ жойларида ичимлик суви, электр энергия-

си, газ таъминоти, аҳолига сиқфатли транспорт хизмати кўрсатиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда.

Таълим тўғрисидаги қонун ижроси устидан текшириш олиб борилганида Давлат тест маркази ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида айрим хато ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, ДТМ томонидан таълим стандартларига риоя этилмаган ҳолда "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтмаган ўқув йўналишлари бўйича тест вариантлари тузилган. Натижада абитуриент ва талабалар билимларини баҳолашда ноҳақликка йўл қўйилган. Аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган 496 та ўрта махсус касб-хунар муассасалари аттестациядан ўз вақтида ўтказилмаган.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимидаги муассасалар томонидан жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни уйларида ўқитилиши борасида ҳам суғашлик ва бепарволикларга йўл қўйилган.

Текширишлар натижасида бепул тарқатилиши лозим бўлган 1685 нафар имконияти чекланган фуқароларга ногиронлар аравачалари, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар тарқатилмаганлиги аниқланди. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида бу хато ва камчиликлар бартараф этилди ва доимий назоратга олинди.

Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ,
Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари юксак инсонпарварлик руҳи билан ҳамоҳанглигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жамиятнинг эркинлаштириш, демократик тамойилларни ҳаётга тадбиқ этиш ва пировард мақсадимиз бўлган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишга устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, авваломбор, инсон ҳуқуқларини таъминлашда эришилган улкан ютуқлардан ҳисобланади.

Рақамларга эътибор қаратилган бўлса, 2008 йилдан буён, яъни санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганидан кейин 700 нафардан зиёд фуқароларга нисбатан қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги талабномалар рад этилди.



Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги фаолиятимизнинг янада самарали бўлиши учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим туздик. Айтиш кераки, бу битим инсон ҳуқуқларини суд жараёнида таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Бу эса қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Авваломбор, судьяларнинг инсон ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган билимларини юксалтиришга оид ўқув-семинар-

лар ташкил қилинди. Қисқа қилиб айтганда бўлсам, Суд ҳокимияти органларининг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоялаш тизимидаги роли ва ўрни йил сайин такомиллашиб бормоқда.

Илҳом ТУРҒУНОВ,
Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи:



— Адлия вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси 2003 йил 27 августда ташкил этилган бўлса, 2004 йил 12 апрелда Бош прокуратура таркибидан худди шундай бошқарма вужудга келди. Бизнинг бошқармаимиз эса 2008 йил 12 сентябрда таркил бўлди.

Бошқармаимизнинг ҳам асосий мақсади инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишдан иборат. Айниқса, ички ишлар идоралари ходимларини томонидан инсон ҳуқуқларини бузилишини олдини олишга жиддий аҳамият берилганини, эътиборга лойиқ. Қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юқори самардорликка эришмоқдамиз. Жойлардаги барча худудий бўлимларимизда фаолият олиб борилган ходимларимизнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш борасида ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари аҳоли ўртасида бошқармаимизнинг мақсад ва вазифалари кенг тарғиб қилинмоқда. Республикаимизнинг барча худудларида ишонч телефонлари ишлаб турибди. Туриш хомий ташкилотлар билан ҳамкорликда барча худудий бўлимларимизнинг ишонч телефонлари, фаолиятимизнинг асосий мақсад ва йўналишлари жамланган маълумотнома-тўпламлар нашр этилиб жамоатчилиikka етказилмоқда. Фуқаролар қабулига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ариза, шикоятларнинг ёки бўлмаса телефон қўнғироклари орқали муносабатларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолдирилмайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади ва такомиллашиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бугунги кун талабларига мос равишда инсон ҳуқуқлари оид қонун ҳужжатлари тизими тўлиқ шаклланди. У шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунларни ўз ичига олишини таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган, биринчи халқаро шартнома — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ратификация қилиниши мустаҳкам демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон учун амалий ишлардан бири бўлди. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституцияимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини сингирган".

Конференция иши натижалари бўйича инсон ҳуқуқ маданиятини шакллантириш соҳасида аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундай тадбирлар ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқ ва маданияти қонунчилигининг ҳусусиятлари, мазмуни ва моҳиятини тушуниришга кўмаклашиши юзасидан иштирокчилар умумий фикр билдирдилар.

Жараён

Сайловолди дастуримизга мос Қонун

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахслар учун сотиб олишни тақиқлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар истеъмолини ёшлар учун чегаралашни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш фурсати келди

Нуқтаи назар

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг, мамлакатнинг куч-қудрати фуқароларнинг саломатлиги, фарзандларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий етуқлиги билан белгиланади.

Шу тўғрисида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда ва ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат таъминининг дебочаси сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги, "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонлари ва тизимда яратилган қонунчилик базаси соғлиқни сақлаш тизимининг таянч устуни вазифасини ўтамоқда, десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир кўрилатган комплекс чора-тадбирлар натижасида 19-20 йил ичида фуқароларимизнинг ўртача яшаш умри 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларда 75 ёшгача узайганлиги, оналар ўлими кўрсаткичларининг 2 баравардан кўпроқка, болалар ўлимининг 3 бараварга камайганлиги ўтказилган ислохотларнинг самарасидир.

Аммо, биз эришилган ютуқлар билан чеklang қолмаслигимиз керак. Глобал майдонда кечаётган ўзгаришлар инсон соғлиғига, саломатлигига солаётган таҳдидлар, хатарлар, иллатлар етарли эканлигини намоён қилиш эътиборига эриштирилди.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари бугунги кунда ўз фуқаролари, айниқса ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби миллият генетикасига, зурриётига, насл-насабига ўта салбий таъсир

этувчи иллатларнинг, зарарли одатларнинг урчиб бораётганлигини аниқ рақамлар билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш таъминининг кенг тарғиб қилиш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмолини тақиқлаш ҳуқуқий жиҳатдан, тегишли қонунлар билан чеклаш орқали ҳал этишни тақозо этмоқда.

Бутун Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда

бўлиши бежиз эмас.

Бизнинг жамиятимизда ҳам юқорида қайд этилган муаммолар йўқ эмас.

Энг ачинарлиси шундаки, ҳали оила қўрмаган ёшларимизнинг тўй-ҳашамлар, кўн-гиланлар масканлар, оилавий тантаналарда, ҳеч қандай тап-тортмасдан спиртли ичимлик истеъмоли қилишлари одат тусига кириб бормоқда. Йўл ҳаракати ҳодисаларининг аксарияти автомобилни маст ҳолда бошқариш оқибатида содир

миндан ортиқ компонентлар бўлиб, улардан аксарияти фармакологик жиҳатдан жуда фаол, захарли, мутаген ва канцероген моддалар ҳисобланиши боис ҳар 6,5 соғияда 1 нафар инсон тамаки чекиш билан боғлиқ касалликлар тўғрисида бу дунёни тарк этилмоқда. Агар ҳолат шу тарзда давом этаверса, 2030 йилга келиб, фақат тамаки сабабли ҳар йили 8,3 млн. нафар кишининг оламдан қўз юмиши башорат қилинмоқда.

Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар, айниқса 20 ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмолини қилинишини чеклашга, бунинг оқибатида ушбу маҳсулотларнинг фуқаролар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган.

20 ёшгача барча зарарли таъсирлар (жумладан, алкоголь ва тамаки) шахсларнинг ривожланиш жараёнининг бузилишига сабаб бўлади, бундай ёшда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини табиб кўриш тезлик билан уларда мойилликнинг шаклланишига олиб келиши аллақачон исботланган. Бунинг оқибатида нафақат шахсининг жисмоний ривожланиши заифлашади, балки бундан оилалар ва бутун жамият катта зарар кўради.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра 20-21 ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь истеъмоли қилиш ва тамаки чекиши чеклашга оид қондалар Япония, АКШ, Исландия, Фиджи, Миср, Норвегия каби бир қатор давлатлар қонунчилигида белгиланган.

Бизнинг жамиятимизда ҳам алкоголь ва тамаки маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахслар учун сотиб олишни тақиқлаш ҳамда ушбу маҳсулотлар истеъмолини ёшлар учун чегаралашни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш фурсати келганлигини таъкидламоқ жоиз.

Қонун лойиҳасида иш жойлари, тиббиёт муассасалари, кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, музейлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бинолари, таълим ва тарбия муассасаларида, болалар ва ёшлар дам олиш масканлари ва бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмоли қилишни тақиқлаш белгиланган.

Ўйлашимизки, мазкур қонун лойиҳаси «Адолат» Социал-демократик партиясининг аҳоли саломатлиги муҳофазасига қаратилган сайловолди дастурига мос келади. Ушбу қонун лойиҳасини парламентдан ўтказиш орқали биз сайловчиларга берган ваъдामизни қисман бўлса-да, бажарган бўламиз.



«Адолат» СДП
Матбуот
хизмати
хабарлари

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

28 декабрь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ташаббуси билан Давлат мулк қўмитаси биносидида «Бахора» кафесида «Салом, янги йил» номи байрам шодибонаси ташкил этилди.

Мазкур тадбир асосан маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкиллаштирилган бўлиб, юздан ортиқ болаларга партиянинг янги йил совғалари топширилди. Унда партиянинг вилоят Кенгашидан вакиллар сўзга чиқиб, йирилганларни байрам билан табриклади. Мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг фаол иштирокисига бўлган аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлинишига эришиш, маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ҳужжатларни тартибли юритиш бўйича кўрсатмалар берилди. Молиявий ишларни тафтишдан ўтказиб туриш, бадалларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш, харажатларни тўғри тақсимлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Бўстонлик туман Кенгаши ва туман маҳалла жамғармаси ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш — келажақ пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, ёш хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, имтиёзли солиқлар каби масалаларда фикр алмашилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган ёшларни инновацион лойиҳалар устида ишлаш, уларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари тарғиб этилди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилинди.

ИЖРОҚҰМ ЙИГИЛИШИДА ХИСОБОТ ВА РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИКИЛДИ

5 январь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашининг Ижроия

қўмитаси йиғилиши бўлиб, унда ўтган йилда қилинган ишлар бўйича ҳисобот тинланди ва янги йилда қилинажак ишлар режалаштирилди.

Йиғилишда ўтган йили партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилган кенг қамровли ишлар, тадбирлар ва уларнинг самарадорлиги, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббуслари афрофица муҳофаза қилинди.

Шунингдек, партия сафига замонавий дунёқарашга эга, ташаббускор, партия гоёларини қўллаб-қувватловчи, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг фаол иштирокисига бўлган аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлинишига эришиш, маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ҳужжатларни тартибли юритиш бўйича кўрсатмалар берилди. Молиявий ишларни тафтишдан ўтказиб туриш, бадалларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш, харажатларни тўғри тақсимлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди.


ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

5 январь куни «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Бухоро вилояти ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда шаҳардаги мактаб ўқувчилари ва ўқувчилари орасида соғлом авлодни тарбиялаш ва аҳолининг экологик маданиятини ошириш мақсадида бир ойлик танлов эълон қилди.

Тадбир «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Д. Ҳамдамова, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Бухоро вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Н.Толибоев, «Ёшлар қаноти» етакчиси Ю.Жалоловлар танлов шартларини эълон қилди.

Эълон қилинган танлов шартига кўра, экологияга оид энг яхши очик дарс ўтказган ўқувчи, экологияга оид мавзуда энг яхши расм чизган ёки турли чиқиндилардан фойдаланиб буюмлар ясаган ўқувчилар мукофотланади. Ташкилотчи мазкур танловни «Шахримизи чиқиндилардан асрайлик» ойлги доирасида бошқа мактабларда ҳам ўтказишни режалаштирганлар.

Тадбирдан кўзланган мақсад — аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг экологик маданиятини юксалтириш ҳамда аτροφ-муҳит тозаллигига эришишдан иборат.



дунё бўйича ҳар йили одам ўлими билан боғлиқ кўрсаткичларнинг тўртдан бири спиртли ичимликларнинг истеъмоли қилиниши ортидан келиб чиқар экан. Ичкиликбозлик оқибатида ҳар йили ер юзиде 2,5 млн. киши ҳаётдан кўз юмаётгани, улар орасида 15-29 ёшлилар сони ўрта ҳисобда — 320 минг нафарни ташкил қилаётгани муаммонинг нақадар долзарблигини далолат беради. Шунинг учун ҳам спиртли ичимликлар БМТ томонидан аввалгидек, озиқ-овқат маҳсулоти эмас, балки тўлақонли психотроп моддалар қаторига киритилган.

XX аср бошларидаёқ ақли заиф болаларни қузатган шифокорлар уларнинг кўпчилиги байрам кунлари, яъни бўлғуси ота-оналар ҳаддан зиёд ичкилик ичган кунлари бунёд бўлганликларини илмий асосда аниқлашган. Шу нуқтаи назардан Францияда «яшанба болалари» иборасининг пайдо

этилатгани натижасида кимдир суякли фарзандидан, кимдир турмуш ўртоғидан, яна кимдир ота-онасидан жудо бўлаётгани ҳаммамизни сергак тортириши керак.

Масаланинг яна бир ачинарли ва миллимиз шаънига мутлақо тўғри келмайдиган томони шундаки, наслимизнинг давомчилари бўлиши авлодларимизни дунёга келтирувчи аёллар, ҳали турмушга чиқмаган, фарзанд кўрмаган қизлар орасида ҳам ичкиликбозлик оdatи пайдо бўлаётди.

Тамаки маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмоли қилиш — кашандалик ҳам дунё аҳолиси саломатлигига путур етказадиган яна бир жиддий сабаб эканлиги исботланган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Ер шарининг 1,3 миллиард аҳолиси кашандаликка дучор бўлган.

Тамаки тутуни таркибиде 7

Айтиш жоизки, Ўзбекистонимизда ҳам тамаки чекишнинг, спиртли ичимликлар истеъмоли қилиниши тарқалиши оқибатлари ҳақида давлат ва жамият миқёсида кенг қўллаб тарғиб-бот-ташвиқот ишлари олиб борилаётди. Аммо, ушбу муаммонинг кенг қўлчи ёйишига йўл қўймаслик учун тамаки ва спиртли ичимликлар истеъмолини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг зарурати пишиб етилди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмоли қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ўз вақтида ишлаб чиқилган, ва айни кезде, қай даражададир, кечиккан қонун лойиҳаси, деб ҳам ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси

Хаканликлар танловда адашмадилар

Фаолият
Азамат НАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири

Андижон шаҳри билан чегарадош «Хакан» қишлоқ фуқаролар йиғини вилоятда йирик қишлоқлардан ҳисобланади. Бу ерда мавжуд 12 та маҳалла фуқаролар йиғинида 41 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ бугунги кунда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳадаги ютуқлари билан ўз ўрнига эга. Аввало, фуқароларнинг турмуш даражаси анча юқори. Иш намунаси ташкил этилган. Бунинг боиси бор, албатта.

Хаканликлар қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига бўлиб ўтган сайловларда Ҳамза Маҳмудовга катта ишонч билдириб, уни ўзларига бош этиб сайлаган эди. Масъулиятли вазифага сайланганини ҳис қилган оқсоқол фаоллики биринчи кунданок бошлади.

— Фаолиятини мамлака-

тимизда Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган кенг имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга қаратдим, — дейди Ҳамза Маҳмудов. — Худуддаги мавжуд 7107 та хонадон аҳоли билан яқиндан танишиб чиқишга ҳаракат қилдим. Қишлоқдаги тадбиркор ва хунармандлар бўладими, фермер ҳўжаликларими — барчаси билан яқин ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилаёямиз. Амалга оширилган ҳар бир ишимиз ҳалқ билан маслаҳатлашилган ҳолда олиб бориляпти.

Худудда ишчиликнинг олдини олиш борасида ҳам маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар томонидан янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратишда янги-янги ташаббуслар билан чиқилмоқда. Фаолларнинг бевосита кўмаги билан қисқа вақт ичида қишлоқда ўндан ортиқ тадбиркорлар ўз иш фао-

лиятини бошлади. Ёшлар учун фойдаланилмай ётган иккита бинада соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Вилоят Болалар спорт жамғармаси билан ҳамкорликда 4-мактабда янги спорт зали бунёд этилди. Ҳозир 500 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари мазкур спорт масканларида спортнинг кураш, бокс, волейбол ва футбол каби турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, соғломлаштириш масканларида спорт билан шуғулланувчи аёллар сафи ҳам ортиб бормоқда.

Дарвоқе, Ҳамза Маҳмудов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиши билан бир қаторда, у Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати ҳамдир. Бу эса унга кўш имконият бермоқда.

Хаканда «Адолат» СДПнинг бошланғич партия ташкилоти тузиб, унга ҳам ўзи раҳбарлик қилмоқда. Ташкилот партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ижтимоий ҳимояни

янада яхшилаш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида ҳам сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар масаласида алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, 2010 йилда депутат ташаббуси билан қишлоқнинг 2 та маҳалласида фойдаланилмай турган биналарда аёллар учун тикувчилик маркази ташкил этилди. Қишлоқ марказида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси кўмағида «Аёллар маркази» вужудга келди. Ҳозир марказда 50 нафардан зиёд аёллар пазандачилик, тикувчилик, уй ҳамширалиги бўйича тахсил олиб, хунар ўрганишмоқда. Насибохон Собирова раҳбарлигидаги бу марказда аёллар учун 20 та янги ишчи ўрни яратилди.

Келажакка юз тутган Хаканнинг бугуни кечадиган, эртаси бугундан файзли бўлаётганлигига қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, депутат Ҳамза Маҳмудовнинг катта ҳиссаси бор. Хаканликлар уни сайлаб адашмади.

Қуёш батареяси

электр таъминотидаги узилшларга чек қўйди

«Адолат» СДП: электорат манфаати йўлида

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Ургут туманининг Тоғолди қишлоқларида бири Қайроқлида жойлашган юкүмли касалликлар шифохонасида электр таъминотидаги ҳар қандай узилшларга чек қўйиладиган бўлди. Сабаби


бу ерда қуёш таъсирида электр энергияси ҳосил қиладиган махсус қурилма ўрнатилди.

— Қиймати 4 миллион сўмлик муқобил электр манбаини қишлоқ шифохонасига улаш экологлар ва «Адолат» СДП фаолларининг ўзаро ҳамкорлиги натижаси бўлди, — дейди партиянинг Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси Тўраҳон Ҳошимов. — Бундан икки йил муқаддам

худди шундай қурилма Жомбой туман Марказий шифохонасида ўрнатилган эди. Янги ускуна ҳар иккала жойда ҳам бекуксон ишлаяпти.

Дарвоқе, «Адолат» СДПнинг ҳаракат дастурида белгилаган муқобил электр энергияси манбаларини амалиётга жорий этиш вазифаси жойларда ўз ижросини топётганлиги партия фаолларининг изланувчанлигидан, ташаббускорлигидан далолатдир.

— Янги йилда бизга яратилган қулайликлар учун вилоят Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ва «Адолат» СДП вакилларига беҳад миннатдорчилигимизни изҳор этамиз, — дейди Қайроқлидаги шифохона бош шифокори Қобил Қайиёв. — Гап ускунанинг қийматида ёки тежамкорлигида эмас. Одамларнинг ҳаётини эҳтиёжларига эътибор билан қараб, уларга енгиллик яратишга астойдил аҳд қилган зийрак, жонкуяр кишиларнинг борлигида. Демак, қишлоғимиз янада обод, хонадонларимиз чарогон бўлади.



Табрик

**«Асака» банки (ОАЖ)
Сурхондарё вилоят бошқармаси
жамоаси**

халқимизни
Янги 2011 йил
билан
шуборақбоғ
этади.
Янги йил
барчаллига
тинчлик,
хотиржамлик,
бахт олиб
келсин!

Байрамингиз
қутлуғ бўлсин,
азизлар!

**Нукус «Агробанк» ОАТБ
жамоаси**

ўз мижозлари ва бутун халқимизни
ЯНГИ 2011 ЙИЛ билан самимий қутлайди.

Дилларни эзгу ниятлар, хонадонларимизни
қувонч ва шодлик тарқ этмасин!

**ШЕРОБОД «КОЛТЕХ СЕРВИС»
жамоаси**

барча
Юртдошларимизни
Янги 2011 йил
билан табриклайди.
Янги йил ҳар битимизга
олам-олам
бахт-саодат
омад ва ютуқлар
туғдирсин!

**«Олим Рахимов»
фермер хўжалиги
жамоаси**

халқимизни
кириб келган янги йил
билан қутлайди.

Кўнглимизни эзгулик
шодлик, шукроналик ва
ўмид тарқ этмасин!

**«Шодмонов
Ғолибжон»
фермер
хўжалиги
жамоаси**

Юртимизда
тинчлик,
тотувлик
абдий
бўлсин!

Экологик офат

Халқаро конференциянинг бош мавзуси бўлди

Долзарб мавзу!

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Яқинда Термиз шаҳрида Тожикистон алюмин заводининг Сурхондарё вилояти шимолий худудларига кўрсатаётган салбий оқибатлари хусусида «Марказий Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари, уни ҳал этишда халқаро ҳуқуқий механизмларни қўллаш» мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари вилоятнинг Сароисиё туманида бўлиб, завод захридан зарар кўраётган аҳолининг саломатлиги, чорвачилик, боғдорчилик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик экинларига кўрсатаётган зарарли оқибатлари билан яқиндан танишдилар.

Экологик офат чегара билмайди. Тожикистон алюмин заводининг Хисор водийларига, она табиатига, инсоният ва ҳайвотот оламига келтирилган зарарли оқибатлари Марказий Осиёда ечимини қутаётган долзарб муаммолардан бири.

1975 йилда катта «оға»ларнинг ташаббуси билан охир оқибати ўйланмай қурилган заводни тожикистонлик «даҳо»лар қарсақ билан қутиб олишди. Унинг она табиатга, одамлар ва ҳайвотот дунёсига, қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қирон келтириши ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. Ҳозирги кунда завод мўрисида ўралаётган захарзуккум Сурхондарё вилоятининг тортиб, Тожикистоннинг Турсунзода, Хисор туманлари ва Душанбе шаҳри худудигача етиб бормоқда.

1981 йилдан бошлаб унинг технологияси кучли куйдирилган анодиди электролизлар ёрдамида ишлашга мўлжалланди. Тўлиқ лойиҳа қуввати 517 минг тоннага етказилди. Утган асрининг 80-90 йилларида 8 хил маркали алюминий ва 4 хил маркали силумин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қувватининг лойиҳавий

кўрсаткичлари оширилиши натижасида йилига атроф-муҳитга 40 минг тоннага яқин ифлослантисувчи моддалар, шу жумладан 400 тонна атрофида инсон соғлиги учун зарарли фтор водороди чиқариб келинди.

Фтор актив элемент сифатида организм учун зарур бўлган йод, кальций, темир, фосфор элементларини ўзига бириктириб олиб, сўрилмайдиган ҳолатга айланиши боис бўқоқ, камқонлик, флюороз, суюқ тўқималари сингари касалликларни келтириб чиқаради. Соҳа мутахассисларининг эътирофи этишларича, шамол йўналишида жойлашган Денов, Сароисиё, Узун туманлари аҳолиси орасидан асосан нафас органлари, ошқозон-ичак, эндокрин касалликлари, қон ва қон айланиш органлари касалликлари, кейинги пайтларда кўкрак беши раки, бачадон, бўйин раки билан шикоят қилувчилар сони кўпайиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги мутахассислари Сароисиё, Узун, Денов туманлари аҳолиси саломатлиги даражасини тадқиқ қилганларида вилоятдаги бошқа туманлар аҳолисида: болаларда туғма гипотериоз – 55, туғма нуқсон-

лар билан туғилган чақалоқларда – 40, ҳомилдор аёлларда туғма патологиялар – 46,8 фоиздан ортгани қайд этилган.

Заҳри қотил нафақат одамзотга, балки, об-ҳавоси бетакрор, сўлим она табиат хуснига ҳам «сепкил»лар тоширмоқда. Ундан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик жиддий зарар кўрмоқда. Боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачиликдан барака кетди. Мўл-кўл ҳосилдорликка миллиардлаб зарар келтирляпти. Энг ёмони, Марказий Осиёдаги гўзал ва бетакрор субтропик водийни ҳавфли худудга айлантормоқда. Бу она-табиатга бўлган нақ таъжовузорликнинг ўзи!

Кичкинагина иқтисодий таҳлилга кўз югуртирадиган бўлсак, бир пайтлар пиллачиликдан катта иқтисодий фойда кўриб келган Денов, Узун, Олтинсой пиллакорлари ўртача бир қўтидан 50 центнер ўрunga 20-30 центнердан хом ашё олишляпти.

Чорвачилик тармоғи эса бундан-да кўп зарарга тушиб қолди. Ушбу худудларда кейинги пайтларда қора молларнинг асосий қисми флюороз касаллигига чалинганлиги, ёш бузоқларнинг нимжон туғилиши, суюқларнинг мўртлиги, вазнининг қамайиб кетганлиги, молларда зоб билан касалланиш ҳолатлари кўпайганлиги аниқланди.

Вилоятнинг Узун, Сароисиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи туманлари асосан суптропик худуд ҳисобланади. Худуд боғдорчилик ривожланган заминлар қаторига қиради. Тожикистон алюмин заводи таъсиридан туманларда ўрик, анжир, узум, олма, хурмо, анорнинг морфологик мезони ўзгарапти. Тут, чинор, анжир, тол, олма дарахтларининг барглари эрта тўқилиб кетмоқда.

Халқаро конференцияда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё,

Узун, Денов туманлари кўраётган иқтисодий зарарни баҳолаш учун экспертларни жалб қилиш ҳақида атрофлича гап борди. Шунингдек, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши устидан икки давлат ўртасида автоматлаштирилган назорат тизимини жорий қилиш ва зарар кўрган аҳоли орасида касалликни ўз вақтида аниқлаш мақсадида бу ерда замонвий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган худудий диагностика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд қилинди. Жумладан, ҳар 25 минг аҳоли учун худудий поликлиникалар жорий қилиш, флюороз касаллигини эрта аниқлаш ва уни ўз вақтида санация қилиб туриш ҳамда даволаш, профилактика ишларини олиб бориш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларига стоматология штаб брикларини киритиш лозимлиги таъкидланди.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларга Республика клиникаларининг малакали мутахассисларидан иборат гуруҳларни жалб қилиш, Республика клиникаларига беморларнинг имтиёзли даволанишлари учун уларга қўшимча ордерлар ажратиш ва санатория-курорт муассасаларида йилига бир марта имтиёзли йўланмалар билан даволаниши чоралари кўрилиши зарурлиги каби масалалар семинарнинг кун тартибидан асосий ўрин олди. Худудда учраётган камқонлик, онкологик, жигар касалликлари ҳамда эндокринологик касалликларга чалинган беморларни даволаш мақсадида Сароисиё туманида замонвий реабилитация марказини ташкил этиш, онкология ва эндокринология диспансерларини қуриш, уларни замонвий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш каби тақлифлар ўртага ташланди.

**Нишон туманидаги
«Серфайз» ва
«Сахибоев Ибод»
фермер хўжаликлари
жамоалари**

Бой, гўзал диёримизга яна бир
қутлуғ айём кириб келди.
Ёшу қарига олам-олам
қувонч улашувчи
Янги йил барчага шуборақ
бўлсин!

Харидоргир маҳсулотлар

Иқтисодиёт

Ўз мухбиримиз

Кўкун шаҳридаги «Кўкун Асака текстиль» масъулияти чекланган жамияти дастлабки маҳсулотларни истеъмол бозорига чиқара бошлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Утган йил Фарғона вилоятидаги ўттиздан ортиқ корхонада инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари амалга оширилди. «Кўкун Асака текстиль» корхонасига ҳам «Асакабанк» томонидан 2 миллиард 700 минг сўм миқдорда инвестиция киритилди. Натижада, энг замонвий технологиялар ўрнатилиб, 50 та янги иш ўрни яратилди.

Ушбу жамиятда йилига беш миллион жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотнинг асосий қисми маҳаллий хомашё — пахта толасидан тайёрланади.

**ЯТТ «АҲМЕДОВА
ЗИЛОЛА»
ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни
янги йил билан
қутлайди.

ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ
ХАЁТИМИЗ БУНААН-АА
ЧАРОҒОН ВА ФАЙЗЛИ
БЎЛСИН!

Табрик

**«Сурхонқишлоқмашҳолдинг»
жамоаси**

бағрикенг, бунёдкор халқимизни ва
яқин ҳамкорларини ҳамда ўз ходимларини

**Янги — 2011 йил
билан қутлайди!**


Азиз юртдошларимизнинг
эзгу орзулари
рўёбга чиқсин.



**Шаҳрисабз ахборот
технологиялари коллежи
жамоаси**

мамлакатимизда истиқомат
қилаётган барча фуқароларни
Янги йил билан чин дилдан
табриклайди.

Мувазими —
Ватанамиз тараққияти,
халқимиз фаровонлиги ва юртимиз
тинчлиги бардавом бўлсин.
2011 йил орзулар
ушаладиган йил бўлсин!


**«Табассум» фермер хўжалиги жамоаси**

ватандошларимизни
2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йили» билан қутлайди.
Барчангизга тинчлик-хотиржамлик,
фаровонлик, сиҳат-саломатлик ва
улкан муваффақиятлар тилайди.

**Муборак туман
МТП АЖ жамоаси**

ҳамюртларимизни
Янги йил байрами
билан самимий
муборакбод этади.
Кириб келган йил
хонадонингизга
файзу барака,
тўкин-сочинлик
олиб келсин!


**«Микрокредитбанк» Китоб
филиали жамоаси**

ўз акциядорлари,
мижозлари ва
ҳамюртларимизни
Янги 2011 йил билан
сидқидилдан табриклайди!

Ушбу йилда
сиз азузларга
сиҳат-саломатлик,
тинчлик ва
улкан
муваффақиятлар
тилаймиз.



Янги йилингиз муборак бўлсин!

«Жасур Ойбек» МЧЖ жамоаси

барча юртдошларимизни
кириб келган
2011 йил билан чин дилдан
муборакбод этади.

Янги йил барчага олам-олам қувонч
ва шодлик олиб келишини тилаймиз.



Муносабат

Куруқ қошиқ оғиз йиртар

« Давом. Боши 1-бетда

Партияларнинг ўнг ёки сўл партияларга бўлинишининг ҳақиқий моҳияти 1789 йилги улуғ француз инқилобига, у эълон қилган Эркинлик, Тенглик, Биродарлик шорига партиялар томонидан билдирилган муносабатни англатади. Одатда сўл партиялар ушбу уқликда асосий ургун тенглик госясига қаратиб, ижтимоий тенгликка асосланган синфсиз жамият қуриш тарафдорлари бўлиб, ҳар қандай масала давлат томонидан ҳал этилиши кераклигини ургўлайдилар. Ўнг партиялар эса юқорида тилга олинган ширордаги уқликда эркинликни биринчи ўринга қўйишади. Улар жамиятда барчаннинг тенглиги табиатан мумкин бўлмаган ҳол, деб билдилар. Шу билан бирга жамиятда яшовчи барча фуқаро тенг ҳуқуқларга эга ҳамда иқтисодиётда тенг имкониятларга эга бўлишлари кераклигини таъкидлашади. Ана шу жиҳатдан партияларнинг ўзини ўнг ёки сўл деб аташи шарт эмас, у илгари сураётган госясига қараб сўлнинг ўнг ёки сўл томонида деб юрилади.

Француз адаби Франк «Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Сўз ёвларни яқсон этади, қалъларни йиқитади, у кўзга кўринмас қурол», деб ёзганда ҳақ эди.

«Ўзбекистон овози»даги мақолани ўқиган одам «Адолат» таҳририяти жиддий хатога йўл қўйибди-да, депутатларнинг ҳам партиявий мансублигини ажратиб қўйганлигини тилга олганми, ҳолос. Эҳ қолса «Ўнглр ҳам, сўллар ҳам маҳаллани унутдиларми... сарлавҳаси ўз маъно мазмуни ва моҳиятини йўқотиб қўйган бўларди...

Бугун баландпарвоз, лекин амалга ошмайдиган ваъдалар билан сайловларни кўнглини овлаб бўлмайди. Энди депутатнинг вазифаси кўчага асфальт ётқириш ёки ичимлик суви келтиришдан иборат эмас. Балки ана шунга эътибор қилиш керак, мутасаддиларнинг мажбуриятларини қонулар яратиш ва қабул қилишдан иборатлигини тушунишимиз лозим.

Ўз навбатида бу ҳол депутатни одамларнинг ташвиҳига солаётган катта-кичик муаммолар устида бую қотириш масъулиятидан ҳам озод этмайди. Ақинча, умуммамлакатта таллуқли масалаларнинг ечими юзасидан ўйлашга, изланишга ундайди.

Халқ яъни сайловчи ўз миллати, Ватани, мамлакатининг вакили сифатида овоз берар экан, демек, у ўз ишончини, орзу-хавасини, эътиқодининг бир парчасини берган бўлади. Эртага у сайлаган депутат сайловолди дастуридаги режаларини унутса ёхуд сайловчилар хузурига ойда-йилда қадам ранжидга қилса ва мажлисларда мурдоқ босиб ўтирса, бу ҳолни кечириб бўлмайди.

Бугунги депутатдан дунё сиеъсатида теран огоҳ, ер юзюда содир бўлаётган глобал муаммолардан хабардор, жамиятнинг энг оғрикли нукталарини ҳис қилиш қобилиятига эга маданиятли киши бўлмоғи талаб этилади. У халқ хузурига чиқарган, кўзларига тик боқа олсин. Аммо барча депутатлар ҳам бу сифатларга тўла мос дея оламизми?

Бугун қишлоқ аҳли хузурига бораётган номзод биринчи навбатда, уларнинг нима билан нафас олаётгани, дастурхонда тамадди қилгучи нон-насибаси, қўй-қўзиси, спорт майдончалари, аҳолининг маданий-маърифий савияси, болалар, хусусан, аёлларнинг саломатлиги, бординик, кишлоқ юрагининг қай даражада уришигача билмоғи керак. Шахардан сайлаган депутат эса маҳаллаларда ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўллари, ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини таъминлашда маҳалла раисининг масъулияти ва вазифалари, аҳоли бандлиги ва ёшларни иш билан таъминлаш, соҳага ажратилган Давлат бюджетни маблағларини виждонан сарфлашга жиддий эътибор қаратиши керак.

«Адолат уқисраятганими ёки туш қўрапганими?» сарлавҳали мақолада бу ва бошқа муаммолар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган ХДП

депутатлари бир қатор ташаббуслар билан чиқаётганиги, бир йил мобайнида Адолат СДП депутатлари томонидан ўтказилган 6 та сессия мобайнида на ташаббус ва на бирон масала кўтарилмагани таъкидланади. Бу айблов мақолада келтирилган фактларни ва муаммони қуқур ўрганмаган муҳбирнинг «Подадан олдин чанг кўтаришига» ўшайди. Келинг, шу ҳақда ҳам мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Хўп, агар маҳаллалар билан ишлашда «оқсоқол» партия олдига ҳеч қим тушолмаётган экан, унда 82 та маҳалла фуқаролар йиғини масъул ҳодимларининг ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмаслиги, қонун талабларини яхши билмагани оқибатда эса 97 та оилага 28 миллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақа пуллари нотўғри тўлангани қаердан келиб чиқди? Кўпчилик маҳаллаларда фуқаролар йиғини, унинг кенгаши ва комиссияларининг номенклатураси тасдиқланмагани, мавжуд ҳужжатларнинг тартибсиз сақланаётганлиги, иш юритиш аҳоли талабига жавоб бермаслиги, масъул котибларнинг қўнчилиги иш юритишининг асосий қондаларини яхши билмаслиги ҳам аниқланган. Бу ҳолатлар эса ўз-ўзидан қонун ижросини таъминлашга, маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта, мазкур рақамлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида тилга олинди. Камчиликларини юзага келишида фақат маҳалла оқсоқоллари, ХДП ёки О'зЛиДеРни айблаганимиз йўқ эди. Агар рақибларимиз тан олсалар, биз ўзимизнинг депутатларимиз округига кирадиган маҳаллаларни ёки «Адолат» СДП аъзолари раҳбарлик қилаётган маҳаллалар раисларини ҳам аяб ўтирмадик.

Яна бир гап. Депутатларимиз билан суҳбатлашганимизда уларнинг қўл қўлуштириб ўтирганликлари хусусидаги айблов «Чўнқадан бошқа нарса эмаслиги ойдинлашди. 24-Мирза Фолиб округидан сайланган депутат Хайрулла Мўминов Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофазда қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг аъзоси сифатида уй-жой ширкатлари ва экология йўналиши бўйича масъул ҳисобланади. Ширкатлар фаолияти ўрғанилганда улар раҳбарларининг 60 фоизи ўз фаолиятини яхши билмаганлиги аниқланган. Депутат ташаббуси билан улар учун ўқув семинарлар ташкил этилиши натижаида аҳвол бирмунча ўзгарди.

Шоҳ-шабба, буталарни ёқиш атроф-муҳитга қанчалар зарар етказаятгани барчага маълум, бу борада оммавий ахборот воситалари ва матбуотда мунтазам бонг уриллапти, қўлба материаллар чоп этилмоқда. Айнан «Адолат» тилга аралашуви билан Сириали чуманидаги «Меридиан» корхонаси шоҳ-шаббаларни қайта ишлаш бораидаги фаолиятини кенгайтиришга қарор қилди. Ёки Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Собир Раҳимов туманига эски тарихий номини қайтариш ва уни «Олмазор» деб номлаш қарорининг қабул қилинишида ҳам маҳалла оқсоқоллари, Собир Раҳимов туман ҳокимияти ва Маҳалла жамағатаси бошини бириктиришда Хайрулла Мўминовнинг ҳиссаси беқиёс.

Бундай мисолларни яна қўлба келтиришимиз мумкин. Бу денгиздан бир томчи, ҳолос. Аммо биз шаҳар кенгаши депутатлари томонидан кўтарилаётган ташаббусларни, уларнинг кам таъминланган оилаларни, ногиронлар ва ҳимояга муҳтож кишиларга кўрсатаётган мурувватлари-ю, амалий ҳаракатларини газетамизнинг келгуси сонларида бирма-бир кўрсатишга қарор қилдик.

«Ўзбекистон овози» газетаси «Ёшлар сиеъсати ва соғлом авлод» масалалари бўйича доимий комиссияси муҳокамасига ҳам «Адолатчилар» томонидан бирон йил масала киритилмаганлигини таъкидлаган. Шу ўринда шарҳловчи уқимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида депутатлар бир оила вакили сифатида фаолият кўрсатаётганликлари, улар доимий комиссияга бириктирилгани, сессияга ҳар қандай тақлиф комиссия раҳбарлигида муҳокамасдан ўтгандан сўнг олиб чиқилишини унутган кўринади. Ваҳоланки, мазкур комиссиянинг раиси «Адолат» СДП вакили ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, ХДП депутатлари сессиялар кун тарти-

бига ёшларга оид арзирли таклифлар бермаганлар. ХДПнинг ёшларга нисбатан муносабати масаласидаги айрим қарашлари ҳам партия фаолларининг «Ишим битди, эшагим лойдан ўтди» қабиллида иш тутаётганларини кўрсатмоқда. Хусусан, айрим партия аъзолари жамиятда партия гоьларни қанчалар кенг ўрин эгаллаётганини кўрсатиш илинжида «тарафдорларимиз, айниқса, ёшлардан иборат электоратимиз сафи кенгайиб бормоқда» деган фикрларни ўз нашрлари орқали изчил эълон қилишдан тийимланяптилар. Бу «Куруқ қошиқ оғиз йиртар» қабиллидаги халқ нақлини ёдга солдик.

Мамлакатимизда йилдан-йилга бозор муносабатларига тайёр бўлмаган аҳоли қатлами камайиб бораётганини, ҳар бир хонадонда, ишбилармонликка, тадбиркорликка қўл уриб, ўз ҳаётини қуришга интилаётган ёшлар сони кўпаяётганини сезмаслик мумкин эмас. Эътибор беринг, бугун мустақилликнинг биринчи йиллида туғилган болалар 20 ёшга қадам қўйдилар. Бугун айнан ана шу авлодга нисбатан эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, ишлаши, дам олишлари учун яратилаётган қўлайликлардан кенг фойдаланиб, ёш авлодга ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришлари учун тенг имкониятлар яратилса бас. Уларни зўрмаври ХДП гоьларининг қўлловчилирига айлантиришдан кўра уларнинг ҳақиқатан ҳам мамлакат эртасини ишониб топширадиган шахслар сифатида камол топтиришга эътибор қаратсак, зиммадаги масъулиятни чуқурроқ англаган бўламиз. Шу маънода ҳам ХДПнинг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар орасида олиб бораётган эътибори тўғрисидаги фикрлари арзон рекламдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг кам таъминланган, бозор муносабатларига ўтиш шариоитида етарли даражада ҳимояланмаган қатлами ни ўз электорати деб эълон қилулар ва шу йўналишда тизимли ишлар олиб бормоқда ҳам. Аммо ХДП халқига ўз зиммасидаги ана шундай масъулиятли вазифани қай тарзда амалга оширишини ўзининг сирига айлантиришдан нарига ўтмапти. Узоққа бормайлик дедимки «Халқ партияси» дея аташдан чарчамаётган ХДПчиларнинг сайловолди дастурига эътибор қаратайлик: «Бозор муносабатлари тор (эгоистик) ҳусусий манфаатларига эмас, аввало, жамият манфаатларига хизмат қилиши лозим...» ХДП мафкурачиларининг чиройли жумла-ларга ўралган ва сайловлар арафасида аксарият юртдошларимизни чалғитишга хизмат қилган ана шу фикрлар сиз билан бизга яқин тарихимизни эслатади ҳолос. Минг шукрки, Ўзбекистон аҳоли 20 йилдан буй «Инсон манфаатлари олий қадрият» широри га амал қилиб яшамоқда. Қанчогача жамиятни у ёки бу тоифаларга ажратасиз ёки манфаат сўзини, бу сўзнинг маъно ва моҳиятини тўри англаганларини жамиятга ёмонотлик қиласиз, дегинг келадик. Ваҳоланки, «Адолат СДП» инсон манфаати барча жаҳалларда бирдек таъминланган, керак бўлса, унинг олий қадрият сифатида юқори қўйилиши керак деган қарашларни илгари сурмоқда.

Маълумки, мамлакат ижтимоий йўналишларининг бозор иқтисодиёти йўлидан оғиймай бораётган экан, ана шу сиеъсатнинг ажралмас бир қисми сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар доимий эътиборда бўлаверадилар. Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари юксала боргани сари эса уларга кўрсатилаётган ёрдам миқдори ҳам муттасил ошаверади. Шу маънода ҳам айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 53 фоиз атрафюда бўлиши қўтилаётгани айнан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик вакиллари яратаётганини таъкидлаш жоиз. Демак, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликка янада кенгроқ имкониятлар яратиш нафақат ўрта қатлам вакиллари сафининг кенгайишига, балки бюджет даромадларининг янада кўпайишига, охир-оқибатда эса ёрдамга муҳтож қатлам кишиларига бериладиган қўмак миқдорининг ошишига ҳам олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги шиддаткор давр эскирган стереотиплардан чиқиб кетмасдан, фақат жозибадор шорлар билан яшаб бўлмаслигини тобора яққолроқ англамоқда.



«Адолат» меҳмони
Бектемир ПИРНАФАСОВ
суҳбатлашди.

— Истиклол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари каби, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам туб ўзгаришлар даври бўлди. Сиз ушбу янгиликларни хусусан қайси жиҳатларда ёрқин намойён бўлди, деб айта оласиз?

— Истиклол берган эркинликнинг энг буюк таъсири қалбдаги, руҳиятдаги, тафаккурдаги ҳурликка намойён бўляпти. Адабиёт инсон руҳиятини тадқиқ этиди, қалбни поклашга хизмат қилади. Демакки, ўз-ўзидан сўз санъатида ҳам ҳурфикрлик ифода топапти. Муҳими, эски тузумдаги қолипчиликларга айлантиришдан кўра уларнинг ҳақиқатан ҳам мамлакат эртасини ишониб топширадиган шахслар сифатида камол топтиришга эътибор қаратсак, зиммадаги масъулиятни чуқурроқ англаган бўламиз. Шу маънода ҳам ХДПнинг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар орасида олиб бораётган эътибори тўғрисидаги фикрлари арзон рекламдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг кам таъминланган, бозор муносабатларига ўтиш шариоитида етарли даражада ҳимояланмаган қатлами ни ўз электорати деб эълон қилулар ва шу йўналишда тизимли ишлар олиб бормоқда ҳам. Аммо ХДП халқига ўз зиммасидаги ана шундай масъулиятли вазифани қай тарзда амалга оширишини ўзининг сирига айлантиришдан нарига ўтмапти. Узоққа бормайлик дедимки «Халқ партияси» дея аташдан чарчамаётган ХДПчиларнинг сайловолди дастурига эътибор қаратайлик: «Бозор муносабатлари тор (эгоистик) ҳусусий манфаатларига эмас, аввало, жамият манфаатларига хизмат қилиши лозим...» ХДП мафкурачиларининг чиройли жумла-ларга ўралган ва сайловлар арафасида аксарият юртдошларимизни чалғитишга хизмат қилган ана шу фикрлар сиз билан бизга яқин тарихимизни эслатади ҳолос. Минг шукрки, Ўзбекистон аҳоли 20 йилдан буй «Инсон манфаатлари олий қадрият» широри га амал қилиб яшамоқда. Қанчогача жамиятни у ёки бу тоифаларга ажратасиз ёки манфаат сўзини, бу сўзнинг маъно ва моҳиятини тўри англаганларини жамиятга ёмонотлик қиласиз, дегинг келадик. Ваҳоланки, «Адолат СДП» инсон манфаати барча жаҳалларда бирдек таъминланган, керак бўлса, унинг олий қадрият сифатида юқори қўйилиши керак деган қарашларни илгари сурмоқда.

— Бугунги глобализмнинг қизгин кечаётган замонда, сизнингча, халқимизнинг ҳаёт ва борлиққа муносабати нимага қараганда янада кенгайиб бораётганлигини аниқлаш мумкинми?

— Муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига ҳам, «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисо-ласида ҳам бую мавзу инсон камолоти эканлигини яққол англаймиз. Зеро, моддий фаровонлик, жисмоний баркамоллик билангина башариат инсонийлик қиёфасини сақлаб қола-майди. Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизлик, маънавий тубанликларнинг меъёрий ҳолга айлиниб бораётгани қалби уйғоқ одамни жиддий ташвишга солиши аниқ. Юқоридаги санаб ўтган асарларимиздаги эзгу мақсад одам-зотни маънавий таназзулдан асраш, огоҳликка даъват этиш-дир.

— Давлатимиз раҳбари маънавиятимизни юксалтиришда ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралиб қолмаслигимиз кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган-дир. Бундан кўра, аҳолининг маънавий ҳимояси ва тарбияси бўлиб қолган маънавиятнинг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши керак. Ана шу нуктаи назардан қараганда, кўнглига ёруғлик олиб кирадиган асарлар яратилди, дейишга асосимиз бор. Масалан Тоғай Муроднинг қисса ва романларини олайлик. Аввало, ёзувчининг янгича услуби, сўз танлашдаги заргарона маҳорати эътиборимизни тортади. Адабий қахрамонлари ор-номуси баҳанд, фирромликни билмайдиган, туғилган заминини сўзсиз самийий яхши кўрадиган кўнгли тоза одамлар. Бу каби асарлар нафақат бизнинг, балки, дунё адабиётининг ҳам эътирофга лойиқ ютуғидир.

— Ўзбекистон ёзувчи-шоирлари ҳамда театр ва кино санъати ижодкорлари олдига истиқлол йиллари-

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раисининг ўринбосари, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол МИРЗО билан суҳбат

Адабиёт ва санъат — замон ва қалб кўзгуси демак

да ўзининг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, тадбиркор ва замонавий билимларни ҳаётга татбиқ этила олувчи фазилатлари билан ислохотлар жараёнида етакчи ўринларда бораётган халқимиз вакиллари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи замонавий қаҳрамон образи тўғрисида, чиройли бўлишга интилади. Шу маънода адабиётда кишилар ўз ақсини, гўзал орзу-умидлари ифодасини кўришга ҳақли. Яъни замон аҳли кайфиятига, руҳиятига, феъл-атвориға хос характерли ибратли адабий қаҳрамонлар бўлиши зарур. Юртбошимиз ижодкорларини олдига гоьт муҳим талаб қўйганлар.

Одамлар ҳавас қиладиган, ўрнатқиларини, гап-сўзларини кундалик ҳаётда қўлба, исло-латини фарзандларига қўйдиган даражадаги адабий тинимолларнинг қайси синфга мансублигю, партия гоьларини қай даражада тарғиб этгани тафтиш қили-надиган ва бу қараш бош мезон сифатида қатъий белги-ланган замон ортда қолди. Ижодий намуналардан савияси ёзувчининг бадиий маҳорати-га, услубига, мавзу миқёсига, илгари сурган эзгу мақсадига қараб белгиланадиган бўлди. Адабиёт дарёси ўзанига қай-ди, кўнглига яқинлашди. Ҳазрат Навоийдан мерос абадий мавзулар, латиф туйғулар та-даранмуни яна қозғога кўча-пти. Адабиёт миллатнинг ку-ниёфасини, ўзлигини, тили-нини гўзалликларини акс этти-радиган ва асраб-авайлайди-ган кучли таъсир воситасига айланапти.

Бугун ҳам қалбни нурлана-диган, ҳаётга янада теранроқ қарашга ундайдиган яхши асарлар ёзилапти. Айниқса, ёш ижодкорларнинг дадил фикр-ларга тўла ижод намуналари эртанги кунга умид ва ишонч уйғотади. Адабий тақдидчилар ва оммавий ахборот воситала-ри яратилаётган сара асарлар-ни кенг тарғиб қилиб борса, ўқувчи ўзи учун ибрат қилиб олгучи адабий қаҳрамонлар-ни топади.

— Бугун янги-янги шоир ва ёзувчилар, тўшқичи ва санъаткорлар, театр ва кино ус-талари майдонга чиқди, дунё халқларининг етакчи адаби-ёт намойдаларининг асар-лари аслидан ўзбек тили-га таржима қилинмоқда ва улар кенг китобхоналар эъти-борига ҳавола этилмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Давлатимиз раҳбари маънавиятимизни юксалтиришда ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралиб қолмаслигимиз кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган-дир. Бундан кўра, аҳолининг маънавий ҳимояси ва тарбияси бўлиб қолган маънавиятнинг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши керак. Ана шу нуктаи назардан қараганда, кўнглига ёруғлик олиб кирадиган асарлар яратилди, дейишга асосимиз бор. Масалан Тоғай Муроднинг қисса ва романларини олайлик. Аввало, ёзувчининг янгича услуби, сўз танлашдаги заргарона маҳорати эътиборимизни тортади. Адабий қахрамонлари ор-номуси баҳанд, фирромликни билмайдиган, туғилган заминини сўзсиз самийий яхши кўрадиган кўнгли тоза одамлар. Бу каби асарлар нафақат бизнинг, балки, дунё адабиётининг ҳам эътирофга лойиқ ютуғидир.

лар. Ёш авлодни умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда жаҳон адабиёти нодир намуналарининг аҳами-яти ва таъсири беқиёс. Шунини инобатга олган ҳолда мамла-катимизда «Жаҳон адабиёти» журнали мунтазам нашр қили-напти. Журналда устоз Озод Шарофиддинов бошлаган тар-жима анааналари изчил да-вом этапти. Кейинги йилларда дунё адабиётининг йирик на-момёндалари Шекспир, Досто-евский, Бальзак, Жойс каби ижодкорларнинг асарлари ўзбек тилига ўғирилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Шунингдек, аввал таржима қилинган классик асарларнинг лотин имлосида ёш китобхона-ларга етказилаётгани ҳам диқ-қат-эътиборга сазовор. Энди масаланинг иккинчи томони-га тўталасак: яқинда «Ўзбек шеър-ияти» номли китоб жуда чи-ройли дизайнда нашр қилин-ди. Унда Алишер Навоийдан тортиб Эркин Воҳидовгача бўлган ижодкорларнинг асар-лари инглиз, рус ва ўзбек ти-лида жамланган. Лекин ахборот технологиялари жадал ри-вожланиб бораётган даврда фақат босма нашрлар билан қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Юртбошимиз «Ада-биётга эътибор — маънавият-га, келажакка эътибор» рисо-ласида алоҳида урғу бергани-дек, адабиётимиз тарғиботида интернет имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур. Ана шу мақсадда бир қанча махсус сайтлар ташкил қилинди. Эн-дликда шоир-ёзувчиларимиз-нинг ўз сайтларини яратиш ус-тида ишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётган адабий анжуманларда, мушо-ираларда, тўгарак машгулотла-рида ёш истеъодларнинг хо-рижий тилларда ёзган асарла-рини гувоҳ бўлиб, гоьт қувона-миз. Яқинда Марғилонда бўлиб ўтган бир учрашувда ёш ижод-кор синглими Алишер Наво-ийнинг меросини инглиз тили-га таржима қилишга бел бо-лаганини билдирди. Ишонч би-лан айтиш мумкинки, вақти ке-либ Навоий бобомизнинг асар-лари фақат мазмунан эмас, оҳанг жиҳвалари билан ҳам бо-шқа тилларга таржима қилина-ди. Шунда жаҳон аҳли Навоий даҳоси олдига яна бир бор таъ-зим қилади.

— Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенга-шининг ташкил этилиши ҳамда унинг олдига қатор жиддий вазифаларнинг қўйилиши, бу албатта, халқимиз онги ва маъ-навиятига ўзининг бевоси-та таъсирини кўрсатувчи ва ушбу соҳа доимий эътибор-да эканлигини англатади. Бугунги кунда миллий эстрада санъати йўналиши-да эришилган натижаларни қандай баҳолайсиз?

— Бу борада, аввало, кўн-глимни тўлдирадиган бир жиҳат-ни айтиб ўтмоқчиман. Бугун эътибор берсангиз Ватан

ҳақида қўшиқлар кўпайди. Ёшлар ҳам ана шу муқаддас мавзуда сидқидилдан қуйлаш-ни истаиди. Қувонарлиси, Юрт ҳақидаги яхши қўшиқлар ҳатто тўйларда ҳам айтилаётганига кўп бор гувоҳ бўлдим.

Яхши маълумки, халқимиз санъат аҳлини эъзозлайди, сам-ийий яхши кўради, айниқса ёшлар севишли санъаткориға идеал инсон сифатида қарай-ди ва тақдид қилади. Бу жиҳат ижодкорга икки ҳисса масъу-лият қўлайди. Яъни фақат қўшиқлари билан эмас, инсо-нийлиги билан ҳам ибрат бўлишга ундайди.

Очиги, баъзи ижрочилар қўшиққа омма эътиборига ту-шиш, осон танилиш, энгил ти-риқчилик манбаи сифатида қараб, қаттиқ янгилашадилар. Чунки қўшиқ биз ўзбекларда азалдан руҳият озиги, маъна-вият ва маърифат, тарбия во-ситаси бўлиб келган. У қўнгли-хушлик учун эмас, кўнглини тўлдирдиш, ўстириш, яшатиш учун хизмат қилган. Бу вази-фаларни асосан тарихий ил-дишлари теран бўлган миллий мумтоз ашуларимиз уқдала-ган. Шу жиҳатдан олиб қара-ганда, миллий эстрададаги ҳали анча ёш. Лекин бу бе-бошларча ўзга юрт санъаткор-ларига эргашши, тамоман тақ-лид қилиш, ўшалар қиёфасига кириш дегани эмас. Дунёнинг катта санъатларида ўз иқтидо-рини намойиш этиб, юртимиз довруғига довруғ қўшаётган истеъодли ўғил-қизлар кўп. Улар келажакда санъатимиз об-ҳавосини белгилайдиган пайтда истеъодсиз ижрочи-лар ўз-ўзидан соҳадан чиқиб кетишларига ишонаман.

— Бир неча йиллардан буйён шеъринг ва мусика-нинг ўзаро уйғунлиги асосидаги санъатнинг яралиши — қўшиқнинг туғилиши жараёнида бевосита иштирок этиб келмоқдасиз. Мамлакатимизнинг Наврўз, Муста-қиллик байрами каби тантаналарида хизмат кўрсатаясиз. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-нинг аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда-сиз...

— Саволингизни тушундим. Ҳозир белни маҳкам боғлаб ишлайдиган, меҳнатнинг тез юзага чиқадиган замон. Биз бугун тарихий даврни боши-миздан кечиряпмиз. Вақт ўтиб шу кунлар муҳтарам Президен-тимиз бошчилигида буюк Ўзе-бекистоннинг пойдевори яратил-ган давр сифатида эҳтиром билан тилга олинади. Мен ҳам мана шу юксалишларга баҳо-ли қўдрат ҳисса қўишга ҳара-кат қиляпман. Зиммамга юк-латилган вазифаларни, сиз ай-тганингиздек, мустаҳкам бир ришта уйғунлаштириб туради: бу — шу юрт, шу халқ, Истик-лол учун сидқидилдан хизмат қилиш истаги. Бундан кейин ҳам ишониб топширилган ҳамма ишни чин дилдан бажа-ришга интиламан.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиеъий Кенгаши

Ташхир ҳайати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмодил САИФНАЗАРОВ, Алишер МУМИНОВ,
Жоватхон ИНОҒОМОВ, Зухра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ, Маъвоқир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Муҳаррамхон АЗИМОВА, Рашидан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖУРАЕВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Т

